



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаёти-миздаги олижаноб ғазилатлари, шукроналик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 26 июнь душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2017 йил 26 июнь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда халқимизнинг миллий урф-одатларига мос тарзда, тартибли ва юқори даражада ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД ХОРИЖДАГИ МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой тарихи ва маданиятининг ажралмас бир қисмини ташкил этадиган, маънавий тараққиётимиз учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий қўлёмлар, санъат асарлари, осори-атиқаларни сақлаш, уларни илмий тадқиқ этиш, юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ана шундай ноёб тарихий-маданий ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг нодир дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик коллекциялар ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид қўлаб қимматбаҳо экспонатлар хорижий давлатларнинг музейлари ва архив фондларида сақланмоқда. Ушбу маданий мерос ёдгорликлари аниқлаш ва тадқиқ этиш, имкон қадар мамлакатимизга олиб келиш юзасидан кейинги йилларда муайян ишлар қилинди.

Айни вақтда халқимиз, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг номаълум саҳифаларини чуқур ўрганиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яра-

тиш, бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ташқи ишлар вазири, Фанлар академияси, "Ўзархив" агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш ва уни мунтазам янгиллаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш, тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Республикада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, шу жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндокринология, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология (кейинги ўринларда – Республика марказлари) соҳасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва юқори малакали врачлар билан тўлдирилган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги беш йилда Республика марказларида 150 мингдан ортиқ операциялар, шу жумладан, 80 мингдан ортиқ юқори технологик оператив муолажалар бажарилди, даволашнинг мураккаб ва ноёб услублари амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш асосан Тошкент шаҳрида жамланган, бу республика минтақалари аҳолисининг тегишли

хизматлардан фойдаланишнинг чеклаб қўймоқда. Замонавий диагностика ва махсус тиббиёт ускуналари билан етарлича жиҳозланмаганлик, замонавий ускуналарда ишлаш учун врачларнинг етарлича тайёрланмаганлиги туфайли юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларидан республика аҳолиси фойдалана олмапти.

Марказлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаслиги, айниқса, юқумли касалликларнинг турли соҳасида, шу жумладан, ижтимоий хавфли, онкологик ҳамда кам тарқалган касалликлар соҳасида энг хавфли ва мураккаб касалликлар тарқалиши тенденцияси ва қўниятилини ўз вақтида аниқлаш имконини бермапти. Энг кўп тарқалган касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлашнинг синовдан ўтказилган илгор халқаро амалиётини жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Халқаро амалиёт билан таққослаганда, республикада неврология, травматология ва ортопедия, нейрохирургия хизматларининг, шу жумладан, болалар касалликлари соҳасидаги салоҳияти заиф ривожланган.

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Тошкент шаҳрида 2017 йил 20 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг навбатдан ташқари қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 июндаги "Бизнеснинг қўнилий манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси олдида турган долзарб вазифалар қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қўнилий манфаатлари ҳимоясини, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаб берадиган мустаҳкам қўничилик базаси яратилди.

Мамлакатимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Янги ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини шакллантираётгани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78 фоиздан зиёдини иш билан таъминлаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва роли тобора ортиб бораётганидан далolat беради. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қўнилий манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига, аввало, вилоятлар, шаҳар ва туманларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини энди бошлаган даврларда улар-

ни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимини яратишни тақозо этади.

Бу ўринда иқтисодиётда хусусий сектор позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида 2004 йилда тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи нодавлат ноҳиякор ташкилот сифатида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатларини тубдан қайта қўриб чиқиш долзарб аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бинобарин, палата ташкил этилгандан бери мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари икки баравар, секторда иш билан банд бўлганлар бир ярим бараварга ортиган уларнинг ҳуқуқ ва қўнилий манфаатларини ишончли ҳимоялаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашни тақозо этмоқда. Бунда Савдо-саноат палатаси имкониятларидан самарали фойдаланиш мазкур йўналишдаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Қурултойда таъкидланганидек, фармонда мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгиланган бўлиб, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳалари бўйича фаолият олиб боради.

Савдо-саноат палатаси томонидан Президентимиз ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида бевосита мулоқотларни таъминлаш мақсадида учрашувлар ташкил этилиши барча тадбиркорларни қувонтирди, – дейди "Dentafill Plus" корхонаси раҳбари Сардор Эсонбоев. – Бу давлат идоралари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлиқнинг олий кўриниши сифатида биз тадбиркорлар олдида турган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бар-тараф этилишини таъминлаш, ўз ғоя ва тақлифларимиз билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш имкониятини яратади.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилиқ палатаси депутатлари, божхона фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР

Мустақиллик йилларида божхона тизими учун профессионал кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг самарасида 2003 йил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исроил Каримов ташаббуси билан Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди. 14 йилдирки мазкур таълим муассасасида божхона органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

"Божхона иши" ва "Божхона ҳуқуқи" мутахассисликлари бўйича 4 йил давомида тахсил олган битирувчилар ўқиш жараёнида давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган ўқув режаларига мувофиқ иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар ва фундаментал фанлар ҳамда божхона назоратини ташкил этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш, валюта назорати, тезкор-қидирув фаолияти, божхона статистикаси ва ахборот технологиялари каби фанларни ўзлаш-тирди.

Замонавий моддий-техник базага эга мазкур институтда 11 кафедра, халқаро талаблар даражасида жиҳозланган компьютер хоналари ҳамда лабораториялар мавжуд.

Тингловчиларга божхона органлари фаолиятига жорий этилган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари, Жаҳон божхона ташкилотини томонидан қабул қилинган халқаро савдонинг энгиллаштиришнинг хавфсизлик стандартлари, хавфни баҳолаш ва бошқариш тизими, радиацион портал мониторинглардан фойдала-

ниш ва бошқа бир қатор долзарб йўналишлар бўйича қўшимча махсус курслар ўтилади.

Институтда олтинга назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхона ходимларида танлаган мутахассисликлари бўйича дастлабки қўшимчаларни ҳосил қилиш мақсадида, уларнинг Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий божхона бошқармаларининг бўлимлари, божхона комплекслари ва постларида амалиёт ўташлари ташкил-лаштирилди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Н.НАСРИЕВ

XXI аср савдоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада "Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги механизмлари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Марказий Осиё ва Россия бўйича бошқарувчи директори раҳбарлигидаги делегация аъзолари, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари тадбиркорлари иштирок этди.

• Қарши шаҳридаги Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида сержантлар форуми бўлиб ўтди. Ўқув-услубий машғулотлар-

да иштирокчиларнинг назарий билими янада бойитилди.

• Бухорода "Бизнинг ўз касбимиз ва ҳунаримиз бор, касб-қилимиз билан юрт тараққиётига хизмат қилишимиз!" шиори остида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада 769 битирувчиға ишга йўлланиш берилди.

• Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ўтказилган ёшлар форуми "Баркамол ёшлар – юрт келажиги" деб номланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган ёшларга тижорат банкларидан кредит олиш учун қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги марказий вокзал кассалари

олдида номаълум кимса портловчи қурилмани ишга тушириб, ўзини портлатиб юбормокчи бўлаётган пайтда ҳарбийлар томонидан отиб бўлган. Натижада кичик портлаш рўй берган бўлса-да, бироқ ҳеч ким жабрланмади. Мамлакат прокуратураси ушбу ҳодисани террорчилик ҳаракати деб баҳоламоқда. Шу муносабат билан мамлакат бош вазири Шарль Мишель хавфсизлик кенгашининг шошилинч йиғилишини ўтказди.

• Франция пойтахти Париж шаҳри яқинидаги Ле-Бурже шаҳарчасида "Ле-Бурже-2017" халқаро авиасалони бўлиб ўтмоқда. Унда жаҳондаги етакчи авиасозлик компаниялари ўзларининг энг сўнгги маҳсулотларини намойиш этмоқдалар. Жумладан, "Airbus" компанияси томонидан яратилган энг янги ишланма 933 ўринга эга А380 ҳаво кемаси мутахассис ва муҳлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

• Жангарилар гуруҳи Филиппиннинг жанубида жойлашган мактабларнинг бирига бостириб кириб ўқувчиларни гаровга олди. Ҳозирда болаларни қутқариш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА 2017–2021 ЙИЛЛАРДА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ихтисослаштирилган тиббий хизматларнинг аниқ тариф сиёсати, шу жумладан, ихтимой аҳамиятли касалликлар бўйича хизматлар кўрсатиш тарифи ишлаб чиқилмаган.

Ихтисослаштирилган марказлар врачлари малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштиришга муҳтож, етакчи хорижий ихтисослаштирилган клиникалар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, тажриба алмашиш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш зарур даражада амалга оширилмапти.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимини янада шакллантириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини такомиллаштириш, аҳолига, шу жумладан, минтақаларда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг натижадорлиги, сифати ва ундан фойдаланишни тубдан ошириш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

акциядорлик жамиятлари шаклидаги Республика марказларини давлат муассасаларига айлантириш тўғрисидаги таклифи 1-иловага мувофиқ;

айрим республика даволаш-профилактика муассасаларини республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи 2-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича тиббий хизматлар кўрсатишнинг тегишли ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича республиканинг бош тиббий ташкилотлари этиб белгилансин.

3. Республика марказларига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

умуман республикада ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденциясини ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган тахлил ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туман (шаҳар) ташкилотлари учун профилактик ва даволаш фаолиятининг схемаларини ишлаб чиқиш;

ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириш, замонавий тиббий усулларни ва технологияларга, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, клиник протоколларни ишлаб чиқиш;

шу жумладан, тегишли тиббий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ахборот ва тушунириш материалларини нашр этиш орқали минтақаларда зарур профилактика ишлари олиб борилишига қўмаклашиш;

худудий ихтисослаштирилган тиббий ташкилотларига тахлилий-методик раҳбарлик қилиш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш;

сайёр консультациялар, маҳорат дарсларини, шунингдек, биринчи навбатда энг мураккаб ҳолатларда худудий ихтисослаштирилган тиббий ташкилотларида операцияларни мунтазам равишда ўтказиб бориш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан биргаликда муассасаларнинг ўз тиббий ходимлари, ихтисослаштирилган худудий тиббий ташкилотларининг тиббий ходимлари малакасини тизимли ошириш, шунингдек, клиник ординатурада, базавий докторантурада ва докторантурада тор мутахассис кадрларни тайёрлаш;

етакчи халқаро тиббий марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассислар билан, шу жумладан, консультациялар ва маҳорат дарслари ўтказиш учун уларни республикага таклиф этиш орқали кенг ҳамкорликни ташкил этиш, соғлиқни сақлашнинг маҳаллий мутахассислари чет элдаги ихтисослаштирилган тиббий марказлари ва клиникаларида тажриба орттиришига қўмаклашиш.

Республика марказлари филиаллари, турдош ихтисослаштирилган тиббий ташкилотлари ва худудий тиббий кўп тармоқли марказларининг ихтисослаштирилган бўлимлари, туман (шаҳар) тиббий бирлашмалари касалликларнинг профилактикасини ва уларни барвақт аниқлашни таъминлайди, шунингдек, тегишли ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш.

4. Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими барча даражаларда ислох қилинсин:

республика даражасида – ихтисосли йўналишлар бўйича энг замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш;

вилоят даражасида – ихтисосли йўналишлар бўйича замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш;

туман (шаҳар) даражасида – янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган турдош бўлимлар негизда ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкил этиш даражасида – махсус тасдиқланган жадвал бўйича туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги ташкилотларнинг тор ихтисосли мутахассислари томонидан консультациялар берилишини, шунингдек, даволаш ва консультатив-диагностика йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларини кўрсатиш.

5. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш схемаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин, ушбу Дастурда қуйидагилар назарда тутилсин:

аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

Республика марказларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббий ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

тиббий кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддатда даволаш ва диагностиканинг юқори технологик усуллари жорий этиш ва маҳаллий мутахассисларни ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий технологияларига ўқитиш учун Республика марказларига таклиф этиладиган Етакчи хорижий марказлар ва клиникаларнинг юқори малакали мутахассисларининг икки томонлама келиб-қетишини, яшаш ва овқатланишига ҳақ тўлаш, меҳнатига тегишли ҳақ тўлаш харажатларини қўллаш тартиби ва манбалари тўғрисидаги низомни;

уч ой муддатда юқори технологик диагностика ва даволаш хизматлари кўрсатишнинг мураккаблигидан, тизимлигидан, ҳажмидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига табақалаштирилган ёндашсини жорий этиш йўли билан ихтисослаштирилган тиббий ташкилотларининг тиббий ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда:

Республика марказлари ва уларнинг филиалларини, шунингдек, турдош ихтисослаштирилган тиббий ташкилотлари ва худудий кўп тармоқли тиббий марказларининг ихтисослаштирилган бўлимларини, туман (шаҳар) тиббий бирлашмаларини профилактика, диагностика ва беморларни даволашнинг ихтисослаштирилган турлари билан таъминлаш учун тиббий ускуналарни, инструментлар билан жиҳозлаш стандартларини замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда моддий-техника базасини доимий равишда янгилаш, дори воситалари ва зарур сарфлаш материаллари, тиббий ускуналарни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш учун зарур бўлган Республика марказларининг рентабеллиги даражасини таъминлашни, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилаётган тиббий хизматларга тарифларни шакллантиришнинг янгиланган умумий қоидалари ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасининг чет элга даволаниш учун жўнаб кетаётган фуқароларини ихтимой-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртмалари бўйича келгуси йилга республика, вилоят ва туман даражаларида имтиёзли тоифага тегишли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сервис хизмати кўрсатиш, таъмирлаш, сарфлаш материаллари ва юқори технологик ускуналар реактивлари

билан таъминлаш учун зарур ҳажмда бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2018 йил 1 январгача Республика марказлари билан биргаликда тегишли ихтисослаштирилган тиббий ёрдамлардан фойдаланишга, шу жумладан, имтиёзли тоифаларни алоҳида ҳисобга олган ҳолда юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланишга муҳтож бўлган беморларнинг доимий янгиладиган ягона электрон базасини ташкил этсин;

2019 йил 1 январгача барча ихтисослаштирилган марказларда, вилоят филиалларида, туман (шаҳар) тиббий бирлашмаларида врач қабулига масофадан туриб ёзилиш имконини берувчи электрон дастур жорий этилишини таъминласин;

манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда етакчи хорижий клиникалар ва марказлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича Республика марказларига доимий асосда қўмаклашсин.

11. 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда:

аҳолига пулли тиббий хизматлар кўрсатувчи соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббий ташкилотлари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббий ташкилотларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлашга ва унга сервис ва техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа тиббий буюмлар харид қилишга, янги бинолар ва иншоотларни қуришга, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга йўналтирилсин;

белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббий ташкилотлари хориждан олиб келинадиган тиббий ускунаси, бутловчи буюмлар, тиббий ускунасига эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин;

соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббий ташкилотлари маҳаллий мутахассисларининг малакасини ошириш жараёнига жалб этиладиган хорижий олимлар, врачлар ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинadиган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигини тўлашдан озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА
2017–2021 ЙИЛЛАРДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари, айнан: соғлиқни муҳофаза қилиш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш; аҳоли барча қатламнинг тиббий ёрдамдан фойдаланиши; профилактика чораларининг устуворлиги; соғлиқни йўқотган тақдирда фуқароларнинг ихтимой ҳимояланганлиги; тиббий фани ва амалиётнинг бирлиги белгиланган.

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 5 январь ва 7 февралда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил этишнинг ҳолатига танқидий баҳо берилди, бу эса тўплайи қолган муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда бугунги кунда юқори малака ва юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатишнинг яхлит тизими шакллантирилган. Ушбу хизматлар аниқ тахлис қўйиш ва даволашнинг самарали усулларини, шу жумладан, юқори технологияли диагностика ва тежор аралашуш усуллари қўллаш имконини берадиган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган республика ва худудий ихтисослаштирилган тиббий ташкилотлари томонидан кўрсатилади.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли чоралар тўғрисида фақат охириги 5 йилда ихтисослаштирилган марказларда 150 мингдан ортиқ тежор аралашувлар, шу жумладан, 80 мингдан ортиқ юқори технологик операциялар амалга оширилди, даволашнинг 80 дан ортиқ янги мураккаб ва ноёб усуллари амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, мазкур соҳада аниқ ва тежор чора-тадбирлар қўришни талаб этадиган қатор тиббий масалалар мавжуд.

Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят ва туман даражаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантиришда сезиларли даражада қўлоқлик кузати-

моқда. Минтақаларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга тахлилий-методик раҳбарликнинг самарали вертикалини шакллантиришда республика ихтисослаштирилган муассасаларининг роли паслигича қолмоқда. Диагностика ва даволашнинг республика муассасаларида синодан ўтган илгор юқори технологик усуллар вилоят ва туман даражасидаги тиббий муассасалари фаолиятига суст жорий этилмоқда. Тиббиётнинг ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича қўлга киритилган маҳаллий ва хорижий илмий ютуқларни вилоят ва туман тиббий муассасалари амалиётга жорий этиш даражасида паст.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида республиканинг ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, унинг географиясини туман (шаҳар) даражасига кенгайтириш, худудий ихтисослашган тиббий ташкилотларига тахлилий-методик раҳбарлик қилиш учун республика ихтисослаштирилган марказларининг масъулиятини ошириш, уларнинг амалиётга тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Қарор билан барча даражаларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада ислох қилиш, республика миқёсида ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича энг замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, вилоят даражасида ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, туман (шаҳар) даражасида ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган бўлимлар негизда кўрсатиш назарда тутилган. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларига эса махсус тасдиқланган жадвал бўйича туман

(шаҳар) ва вилоят даражасидаги ташкилотларнинг тор ихтисослашган мутахассислари томонидан маслаҳатлар берилиши, шунингдек, даволаш ва маслаҳат-диагностика йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларини кўрсатиш назарда тутилган.

Қарорда, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига республика бўйича ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияларини ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган замонавий тахлилий ва илмий-тадқиқот ишларини кенг қўллаш назарда тутилган.

Етакчи республика ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ташкилотлари республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларига айлантирилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириш, замонавий тиббий ускуналар ва технологияларига, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, клиник протоколларни, шу жумладан, тегишли тиббий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ахборот ва тахлилий материалларини нашр этиш, сайёр маслаҳат беришларни, маҳорат дарсларини, шунингдек, биринчи навбатда энг мураккаб ҳолатларда худудий ихтисослаштирилган тиббий ташкилотларида операцияларни мунтазам равишда ўтказиш орқали минтақаларда зарур профилактика ишлари олиб борилишига қўмаклашиш марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланган. Бундан ташқари, марказлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тиббий ходимларининг, ихтисослаштирилган худудий тиббий ташкилотлари ходимларининг малакасини тизимли равишда оширадиган, шунингдек, клиник ординатурада, таъин докторантурада ва докторантурада тор мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлайди, етакчи халқаро тиббий марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан, маслаҳатлашувлар ва маҳорат дарслари ўтказиш учун уларни рес-

публикага таклиф этади, соғлиқни сақлаш тизими маҳаллий мутахассисларининг чет элда ихтисослаштирилган тиббий марказлари ва клиникаларида тажриба орттиришини таъминлайди.

Қарор билан аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш схемаси ва аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишни кенгайтиришга, Республика марказларини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга, ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббий ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббий кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини оширишга, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 январгача имтиёзли тоифа алоҳида ҳисобга олинган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан, шу жумладан, юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланишга муҳтож бўлган беморларнинг доимий янгиладиган ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилади. 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда барча ихтисослаштирилган марказларда, вилоят филиалларида, туман (шаҳар) тиббий бирлашмаларида врач қабулига масофадан ёзилиш имконини берадиган электрон дастур жорий этилади.

2022 йил 1 январгача аҳолига пулли тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) соғлиқни сақлаш тизими давлат тиббий ташкилотларини солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқ-

ланадиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган янги тиббий ускунаси, бутловчи қисмлар, тиббий ускунасига эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан озод этиш назарда тутилган. Бўшайдиган маблағлар тиббий ташкилотларини замонавий тиббий, муҳандислик-техника ускунаси билан жиҳозлашга ҳамда унга сервис ва техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа тиббий буюмларни харид қилишга, янги бинолар ва иншоотлар қуришга, мажмуаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга йўналтирилади.

Қарорда даволаниш учун чет элга жўнаб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ихтимой-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, маҳаллий мутахассисларнинг амалий ва назарий қўникмаларини ошириш мақсадида хорижий етакчи олимлар, врачлар ва мутахассисларни шартнома асосида республикага жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур доирасида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янада ривожлантириш мақсадида 373,5 миллиард сўм ва 100 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 60 миллиард сўм маблағ Республика ихтисослаштирилган тиббий муассасаларини жиҳозлашга йўналтирилади.

Қарор ва Дастур доирасида амалга ошириладиган тадбирлар республикада, айниқса, вилоят ва туманлар даражасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, аҳолининг кенг қатламларини юқори технологик тиббий ёрдамдан баҳраманд қилишга, юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам соҳасидаги илм-фан ютуқлари ва илгор хорижий тажрибани амалиётга фаол жорий этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД ХОРИЖДАГИ МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

фаолият йўналиши бўйича хорижий давлатлардаги музей ва фондлар, архивлар, илмий-маданий муассасалар билан ўзаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш, турли анжуманлар, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш;

чет мамлакатларда сақланаётган маданий бойликларни юртимизга қайтариш юзасидан музокаралар олиб бориш ва зарур чора-тадбирлар кўриш, бу борада халқаро миқёсдаги илғор тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш;

маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва самарали бажарилишини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро шартномалар ва умумэтироф этилган нормаларни миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан атрафлича ўрганиш;

хориждаги мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, глобал интернет тармоғида кенг ёритиш, улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш;

тўпланган материалларни мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида илмий муомалага киритиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг таркибий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директори, зарурат тугилган ҳолларда, Марказнинг таркибий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Марказ томонидан мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш юзасидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш;

Марказнинг йиллик фаолият режасини тасдиқлаш ва унинг амалга оширилиши учун кўмаклашиш, шунингдек, заруратда келиб чиққан ҳолда, Марказга юкланган асосий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказнинг таклифига асосан унинг мутахассислари ва бошқа ташкилотлардан Марказга жалб қилинадиган экспертларни хорижий давлатларга сафарларга жўнатиш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳар чорак якуни бўйича Марказ ҳисоботларини ешитиш, унинг фаолияти самараси ва натижадорлигини баҳолаш;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу борада зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ Комиссиянинг ишчи органи ҳамда Марказ директори, лавозимига кўра, Комиссиянинг масъул котиби ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаменти мутасаддигида фаолият юритадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади;

Марказ директори ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг Тошкент шаҳар, Юнусовд тумани, Мустақиллик майдони, 2-ўй манзилидаги биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилади;

Марказ фаолияти натижасида хорижда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларнинг асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирлари Ўзбекистон Республикасига олиб келинганида (қайтарилганида), зарур илмий-тадқиқот ишлари бажарилганидан сўнг, улар Комиссиянинг ҳулосасига асосан, тегишли давлат музейлари тасарруфига бепул ўтказиб бериллади.

6. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Марказни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек, 2017 йилда Марказнинг моддий-техника базасини мустақамлаш билан боғлиқ харажатлар учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат буюртмаси асосида илмий тадқиқотларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ажратиладиган мақсадли грант маблағлари;

Марказ мутахассислари ва бошқа ташкилотлардан унга жалб қилинадиган экспертларни хорижий давлатларга хизмат сафарларига юбориш ва чет эллик мутахассислар (экспертлар)ни жалб этиш харажатлари ва Марказ фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатлар учун тадбиркорлик фаолиятидан, жумладан, ноширлик фаолиятидан тушадиган маблағлар, халқаро молиявий институтлар, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси Марказнинг хорижда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни ўрганиш ишларини ташкил этиш учун ҳар йили илмий жиҳатдан асосланган тадқиқотларга давлат буюртмасини белгиланган тартибда тасдиқлашин.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган давлат буюртмасида белгиланган илмий тадқиқотлар учун давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги илмий-техник лойҳаларга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан мақсадли грантлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: ушбу қарорда назарда тутилган харажатлар учун зарур бюджет маблағларини 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳа бўйича кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ушбу соҳага ажратилган маблағлар доирасида назарда тутсин;

бириктирилган битта хизмат автотранспортини сақлаб туриш учун лимит ажратсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

чет эллик мутахассислар (экспертлар)нинг меҳнати-га ҳақ тўлаш миқдори Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифлари асосида меҳнат шартномасида белгиланади ва эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

чет эллик мутахассислар (экспертлар)га Ўзбекистон Республикасида бўлган даврида бир кунлик сафар харажатлари 20 АҚШ долларига тенг миқдорда, кундалик меъёр бўйича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади;

чет эллик мутахассислар (экспертлар)нинг бир ойдан ошмаган муддатта тузилган қисқа муддатли меҳнат шартномалари бўйича мамлакатимизда яшаш харажатлари Марказ томонидан миллий валютада тўланади, бир ойдан ортиқ муддатта тузиладиган меҳнат шартномалари бўйича чет эллик мутахассислар (экспертлар)нинг яшаш харажатлари учун тўловлар, тузилган шартнома шартларига мувофиқ, ойлик маошларни тўлашда амалга оширилади;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид, хорижда сақланаётган маданий бойликларни аниқлаш, улар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва тадқиқ этиш учун жалб этиладиган чет эллик мутахассислар (экспертлар)нинг Марказ билан тузилган меҳ-

нат шартномаси доирасида олинадиган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлашдан озод этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда, белгиланган тартибда, Марказни зарур алоқа турлари ва воситалари, жумладан, Ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин, шунингдек, кенг қамровли интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва хизмат кўрсатадиган тижорат банклари Марказнинг буюртманомалари бўйича Марказ мутахассисларининг ва унга бошқа ташкилотлардан жалб қилинадиган экспертларнинг хорижий хизмат сафарлари ҳамда чет эллик мутахассислар (экспертлар)нинг меҳнати-га ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни конвертация қилиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Марказнинг хорижий давлатларга хизмат сафарига борадиган мутахассислари ва бошқа ташкилотлардан жалб қилинадиган экспертлар Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчихоналари вакиллари томонидан қўйиб олиниши, кузатиб қўйилиши, визалар расмийлаштирилишида ва таржимонларни бириктиришда ҳамда Марказнинг хорижий мамлакатлардаги тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин;

Марказнинг буюртманомаларига биноан чет элдан жалб этиладиган хорижий мутахассислар (экспертлар)га кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказнинг буюртманомаларига биноан чет элдан жалб этиладиган хорижий мутахассислар (экспертлар)га давлат божи ундирилмасдан, қўй мартали кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идора-лар билан биргаликда Марказ фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларнинг маълумотлар базаси – реестрини яратиш, уларнинг кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш, турли анжуман, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш учун имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро молиявий институтлар ва хорижий донорлар билан тизимли ишлар олиб бориш.

15. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Маданият вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Марказга малакали мутахассислар пухта танлов асосида танлаб олиниши ҳамда кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Марказ ва Комиссиянинг низомини, республика муассасаларидан экспертларни, жумладан, чет эллик мутахассислар (экспертлар)ни меҳнат шартномаси асосида жалб этиш тартибини тасдиқлашни ҳамда бошқа ташкилий масалаларни назарда тутадиган Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 20 июньХАЛҚАРО ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЎЗАРО
МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда “Бир макон, бир йўл” мавзuida халқаро семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ўтказилган тадбирда олимлар, дипломатлар, журналистлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда транспорт-коммуникациялари муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги жамоат дипломатияси бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси Ма Чжэньган “Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Бу ташаббус илк бор 2013 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Марказий Осиё давлатлари ва Индонезияга ташири чо-

ғида баён этилган эди. Лойиҳа икки йўналишда – куруклик орқали “Ипак йўли иқтисодий камари” ҳамда денгиз йўллари орқали “XXI асрнинг денгиз Ипак йўли” транспорт коридорларини ташкил этишга қаратилган. Бундан асосий мақсад қадимий Ипак йўли руҳиятини қайта тиклаш асносида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларнинг транспорт инфратузилмаларини бириктириш, товар айирбошлаш учун қўшимча қўлайликлар яратиш, маданий алоқаларни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини, савдо-иқтисодий алоқа-

ларни кенгайтириш, инвестицияларни жалб этиш, транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ишларини қўллаб-қувватлаган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ва Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йилда мамлакатимизга давлат ташири чоғида очилган Ангрэн – Поп темир йўли минтақалараро транспорт йўлагининг муҳим қисми ҳисобланади.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг май ойида Хитойга давлат ташири ва “Бир макон, бир йўл” форумидаги иштироки мамла-

катларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтарди, – деди ЎЗА мухбирига Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. – Икки томонлама алоқалар рўйхатида янги соҳалар қўшилди, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ўзаро манфаатли консенсусга эришилди. Мазкур давлат ташири чоғида имзоланган барча ҳужжатлар изчил амалга оширилмоқда.

Семинарда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилангани таъкидланди. Бу ташки савдо йўлакларини диверсификация қилиш, мамлакатимиз экспорти географиясини кенгайтириш, жумладан, Хитой билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

А.САМАДОВ

ТАДБИРКОРЛИКНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШНИНГ
ЯНГИ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг “Бизнеспнинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисида ҳулоса бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Яъни, тадбиркорлик соҳасидаги барча лойиҳалар мажбурий равишда Савдо-саноат палатаси билан келишилиши зарур.

Назорат органлари томонидан режалаштирилган текширувлар ҳақида аввалдан Савдо-саноат палатасига хабар берилиши, шунингдек, давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоат маслаҳат кенгаши-лари таркибига Савдо-саноат палатаси вакиллари-нинг киритилиши тартиби жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси олди-га қўйилган вазифаларни, берилган қўшимча ҳуқуқ ва ваколатларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш мақсадида фармон ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унда Савдо-саноат палатасининг ташкилий-бошқарув тузилмасини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

– Бир неча йил аввал икки киши билан фаолиятимизни бошлаган эдик, – дейди “Бека Карос” корхона-си раҳбари Гулбека Қўчқорова. – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўлай шарт-шароитлар самарасида бугунги келиб корхонамиздаги иш ўринлари сони қариб элликка етди. Президентимиз фармонида мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Тадбиркорликка қўмаклашиш мар-казларининг ташкил этилиши фаолиятимизда учрайдиган ҳар қандай масалани бир жойда ҳал қилишга им-кон яратди.

Таъкидлаш керакки, Тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари тадбиркорлик субъектларига давлат хиз-матлари кўрсатиб келаётган “ағона дарча” марказлари билан бир қаторда банк, лизинг, сўғурта, аудиторлик, баҳолаш, риэлторлик компаниялари каби бозор ин-фратузилмаси субъектларини ҳам бириктиришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фа-олиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбир-лар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатлари ҳимоясини янада қўмайтириш, биз-неспни ташкил этиш ва юритишда ҳар томонлама қўмақ кўрсатиш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, бизнес-муҳитни такомиллаштириш масала-лари бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашину-вининг самарали усулини жорий этиш имконини бера-ди. Бу пировардида мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, чет эл инвес-тицияларининг кенг жалб қилиниши ва маҳаллий иш-лаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга қизиқишга хиз-мат қилади.

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан лавозимидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини тав-сиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Дав-лат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори ла-возимларида ишлаб келаётган А.Икромов Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси этиб сай-ланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси У.Исмаилов иштирок этди.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбириНотариал ҳаракатлар уйда қандай ҳолларда
амалга оширилади?З.Собиров,
Бектемир тумани

– Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида-ги йўриқноманинг 11 боб, 9-бандига асосан фуқаро ка-саллиги, ногиронлиги тўғрисидаги ёки бошқа сабаблар-га кўра давлат нотариал идорасига бора олмайдиган айрим ҳолларда ёки юридик шахс томонидан таклиф қилинганда, нотариал ҳаракат давлат нотариал идораси биносидан ташқарида, яъни мазкур фуқаро ёки юридик шахс ёхуд унинг вакили жойлашган жойда амалга оши-рилиши мумкин.

* * *

Мен ўзимга тегишли бўлган уй-жойни неварам
номига ҳадя қилмоқчиман, шунинг учун қаерга
муурожаат этишим керак?

О.Ражабов,
Учтепа тумани

– Сиз ўзингизга тегишли бўлган уй-жойингизни ҳа-да этмоқчи бўлсангиз уй-жойингиз жойлашган туманда-ги нотариал идорага муурожаат этиб, у ердан шартнома учун керакли маълумотни олиб, сўнгра “Уй-жой ҳа-да шартномаси”ни расмийлаштиришингиз мумкин.

* * *

– Мен укамга машинамни бошқаришга бермоқ-чиман, бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўла-ди?

А.Икромов,
Чилонзор тумани

– Сиз автотранспортингизни уқангизга бошқариши учун ишончнома беришингиз учун, нотариал идорага шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспорт ва уқангиз-нинг паспорти ҳамда сизларни опа-ўка эканлигингизни тасдиқловчи ҳужжат, тутилганлик ҳақида гувоҳнома-рингиз ва транспорт воситасини қайд этиш гувоҳнома-сини тақдим этишингиз керак. Агарда турмушга чиқ-иш муносабати билан фамилиян-гиз ўзгарган бўлса никоҳ қайд қилиш гувоҳномангизни ҳам тақдим этасиз, шун-дай ишончнома имтиёзли тарзда тасдиқланади.

Икром ИСМОИЛОВ,
Юнусовд туманидаги 6-сон
Давлат нотариал идораси нотариуси

Тадбирлар

АЁЛ ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧИ

Инсон руҳининг соф бўлишлиги, ақли ва фаҳм ўткирлигининг негизда унга болалигидан бошлаб бериладиган ишонч ҳисси ва унинг шахс сифатида шаклланишига асосий таъсир кўрсатадиган таълим-тарбия ётади.

Ҳозирги даврда инсониятнинг кундалик ҳаётида руҳий зўриқишга сабаб бўлувчи воқеа-ходисалар, муаммолардан тортиб яқин кишини йўқотиш каби омиллар инсон организмда бир қанча психопатологик ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Келинг, яхшиси инсоннинг ҳаёти давомида, кундалик турмушида учраб турадиган ва зарарли оқибатларга олиб келадиган ҳамда муваффақиятларимизга тўсиқ бўладиган ана шундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш, айниқса, аёлларимизнинг уйда, иш фаолиятида, бизнесда ўзаро мувозанат ва хотиржамликни таъминлашга қаратилган психологик тренинглар ҳақида фикрлашайлик.

Яқинда, "Психологик мадда" марказимизда ўтказилган тренинг "Муаззам аёл" деб номланди.

Мазкур тадбирни ўтказишнинг мақсади, хотин-қизларнинг ички салоҳиятини англаш орқали шахсий ҳамда ижтимоий ҳаётда уларнинг мамнунилик ҳиссини оширишга қўмаклашиш, ҳар соҳада қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини таъминлашга қаратилди.

Тренинг машғулотиди 20 нафар, 55 ёшдан ошган, олий маълумотли, ҳозирда нафақада бўлган аёллар, шунингдек, 50 ёшгача ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркор аёллар иштирок этди.

Ўтказилган тренинг машғулотлари марказимиз ходимлари ва психолог-тренингларнинг сайёҳаракатлари ҳамда танланган мавзунинг долзарблиги билан

ёши ва ҳаёт тамойиллари, қизини қўллаб-қувватлаш, қизини иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тренинг тадбиркор аёлларга ҳам мўлжалланган бўлганили сабабли кўпроқ аёлларнинг айнан бизнесда муваффақиятли бўлишининг психологик асосларига урғу берилди. Яъни, ташқи кўринишдан тортиб ички ҳиссий кечинмаларга қандай таъсир қилиш, қарама-қарши жинс вакиллари билан муносабат қуришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги хусусида кўпроқ фикр юритилди.

Жумладан, аёл рафиқа сифатида, аёллик латофати, ички ва ташқи гўзаллигини сақлаш, лобарлиги ва назокатини теран англаш, ички салоҳиятини ошириш орқали ҳаётдан, яқинларидан ва бизнесидан мамнунилик ҳиссини қўчайтириш, оилани уйғун муносабатларга асосланиб, мувозанатни сақлаган ҳолда яшашга интилиш масалалари қамраб олинди.

Машғулотлар давомида иштирокчилар турли ҳолатлар юзасидан психолог-тренингларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди ва келгусида ўтказилиши керак бўлган, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганишга бағишланган суҳбатлар мавзулари аниқлаб олинди.

Машғулотлар доирасида иштирокчи аёлларда кўтаринки кайфият, мавзуларга қизиқиш ҳисси етарли даражада бўлди. Барча иштирокчилар тренинглар томонидан тақлиф этилган топшириқ ва машқларни фаол ва тўлиқ бажардилар.

Жумладан, "Психологик мадда" марказида ўз ишини бошлаган "Аёллар мактаби" дастурининг мақсадлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Тренинг давомида интерактив усуллар – психологик ўйинлар ва мунозаралар, экспериментал машқлар қўлланилди. Қўлланилган усулларнинг барчаси иштирокчиларга манзур бўлди.

Қизиқarli машқлар жараёнида аёллар ўзларининг ҳаётини вазиятлар, муаммолари ечимига баъзан бир томонлама қараб, қарор қабул қилишларида қийналишларининг сабабларини тушуниб етишди. Яъни инсон ҳаракати унинг мотивациясига, мотивация эса эҳтиёжларига, эҳтиёжлар эса ички шакланган ишонч ва эътиқодларга, қадриятларга боғлиқ эканлигини янада чуқур англадилар.

Тренинг давомида аёллар ва эркаклар психологиясидаги фарқлари, уларнинг муносабатларига таъсир этувчи, ажрим ва оилавий муаммоларга сабаб бўлувчи, омиллар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтилди.

Аёл киши ҳаётида ўзининг турмуш ўртоғи учун оқила рафиқа, фарзандлари учун меҳрибон она, ота-онаси учун азиз фарзанд эканлигини ажрата олиши ва шунга яраша стратегиялар танлаши кераклиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тренингда "Психологик мадда" марказининг психологлари ва невропатолог шифокорлари иштирок этишди.

Дилфуза СУЛТОНОВА,
"Психологик мадда" маркази директори



Футбол ангилқлари

"ЛОКОМОТИВ"НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 13-туридан кейин пешқадам клуб "Локомотив" яна ғалабага эришди.

Бухорода "Бухоро" жамоаси меҳмони бўлган темирйўлчилар кескин ва мurosасиз баҳсда 2:1 ҳисобида зафар қучишди ҳамда турнир жадвалидаги мавқеаларини янада мустаҳкамлаб олишди. Стадионга келган мухлислар Бахтиёр Раҳмонов (2 та), Қўқон-1912 дан – Носир Отақўзиёв голларга муаллифлик қилишди.

Колган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Қизилқум" – "Машъал" – 2:0
"Обод" – "Металлург" – 1:4
"Сўғдиёна" – "Навбахор" – 2:1,

"Нефтичи" – "Динамо" – 2:3
"Шўртан" – "Насаф" – 1:2
"Олмалик" – "Пахтакор" – 2:0

Ақбар Йўлдошев

26 июнь – Ҳалқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

Ўзбекистон 1995 йилда БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган ва унда белгиланган вазифаларни тўла бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни ҳамда наркомания ва наркожониятчиликка қарши курашга қаратилган бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларда дастуруламал бўлмоқда.

– Ўзбекистонда наркомания балoсига қарши кураш доирасида наркотик моддалар контрабандаси ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, касалликка чалинганларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган давлат стратегияси амалда қўлланилмоқда, – дейди Республика наркология маркази бош шифокори Ҳулум Бўрихўжаев. – Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хусусан, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмолнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари, профилактика ишлари бу борада қийнаётган сайёҳаракатларнинг бир қисми саналади. Жойларда ўтказилаётган наркоманияга қарши тарғибот тадбирларида мутахассислар, шифокор нарколог ва психологларнинг ўз маърузалари билан фаол иштирок этишига эътибор қаратамиз.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик балoсига йўлққан беморларни даволаш учун барча имкониятлар бор. Республика наркология маркази, ҳудудий наркология диспансерлари, руҳий касалликлар шифохоналари таркибидagi наркология бўлимлари, марказий поликлиникалар ҳузуридаги наркология хоналари, психоневрологик диспансерлардаги наркология хоналари наркоманияга чалинганларга ёрдам кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида текшириш, маслаҳат бериш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари кўрсатиш кафолатланган.

– Муассасамизда ичкиликбозлик ва наркоманияга йўлққан беморлар ихтиёрий, мажбур тартибда даволанади. Юқори малакали мутахассислар дори воситалари ва махсус ишлаб чиқилган реабилитация дастури ёрдамида беморларни соғлом ҳаётга қайтармоқда, – дейди Республика наркология маркази шифокор нарколог Жўра Тоиров. – Даволаш бўйича чора-тадбирлар замонавий медицина ютуқларига қараб йилдан-йилга такомиллаштириб борилади. Даволаш наркотик моддалар турига қараб дастлаб дори-дармонлар билан ва ундан кейинги босқичда руҳий-терапия йўналишида амалга оширилади. Бемор организмнинг босқичма-босқич наркотик моддалардан тазалангани натижасида аввал наркотиклар таъсир остида ҳаракат ҳолатда бўлган турли касалликлар аста-секин намoён бўлади. Бу жараён беморга қўшимча азoб, оғриқ беради. Шунинг учун даволаш жараёни турли ихтисосликдаги шифокор-

лар сўнган, тутаб турибди...
...Осмон ғўбор – тумни, тумани англаб бўлмайди. Жигарранг, нотинч чайқалиб турган денгизда тождор бир оққуш ўнмоққа, бу мухитдан кетмоққа чоғланиб турибди...

Бизга ҳамроҳ бўлаётган мутахассиснинг таъкидлашича, одатда мазкур бўлимга ётқизилган беморлар чизган расмларда мана шундай тунд, тушқун кайфият ҳукмрон бўлади. Вақт ўтиши, даволаниш натижа бера бошлагандан кейинги расмларда ёрқинлик пайдо бўла бошлайди. Бу нафақат беморлар руҳиятини тарбиялаш, балки улардаги соғлом ҳаётга қайтиш қандай даражада кечатганини баҳолашга қўмак берадиган усуллардан бири саналади.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши олиб борилаётган кенг қўлланми чора-тадбирлар, ёшлар ўртасида ўтказилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари ўз самарасини бераётди. Бу ўсириллар ва ёшлар ўртасида наркомания кўрсаткичлари йилдан йилга қаммайиб бoрaтгани, хусусан, Республика наркология маркази ҳамда шу йўналишдаги бошқа тиббиёт муассасалари беморлари орасида ёшларнинг деярли йўқлигида ўз исботини топмоқда.

Республика наркология маркази ҳудудда шакл берилган арча ва турли дарахтлар жуда кўп. Сув сепилган йўлақлар четдаги ўриндиқлардан бирида ўтириб, ённинг ҳазирасини эмас, баҳорнинг ёқимли ҳавоси ва сокинлигини туйсан. Муассасадан чиқишингиз тўғрисида...
Ҳаёт сизни қутиб, тин олиб тургану чиқишингиз билан ҳаракатга тушиб кетгандай туюлади.

...Мақтабдан қайтаётган бир тўп болақайларнинг шовқини ҳам қўлқоча ҳуш ёқади. Бекатда китоб ўқиб ўтирган мана бу қиз автобус қутаётганини ҳам унутгандай гўё. Узқокдан қўча юзидagi ўрикнинг шоқларини эгиб, набирасига мева узиб бераётган отахонга тикланган: дунёда ундан бахтиёр одам йўқдай. Хуллас, катта-кичик ўз юмуши билан банд. Ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шуларнинг бари ҳаётнинг шундай рангли ва сермавж оқимида инсонга мос умр кечириш, соғлом ва тўғри йўлни танлаш учун етарли.

Иқром АВВАЛБОВЕВ,
Ўза мухбири

ДУНЁ РАНГЛАРИНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАНГ

Марказ шифокор психолог Шерзод Тўйчиевнинг таъкидлашича, гиёҳвандлик даражиди мушбало бўлган инсоннинг саломатлиги издан чиқиши билан бирга унда кескин шахс ўзгариши кузатилади. Шу сабабли бундай беморларни фақат дори-дармон билан даволаб бўлмайди. Муассасада беморларни даволашда тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимининг аҳамияти катта. Беморларни руҳий даволаш учун меҳнат ва вақт талаб қиладиган машаққатли жараён. Шу боис мазкур бўлимида уч ойлик махсус дастури доирасида беморлар билан психолог муолажалар, индивидуал ва жамоавий суҳбатлар олиб борилади. Дастлаб енгил соғломлаштириш, расмий машқлар, спорт ўйинлари, жисмоний соғлом турмуш тарзи тарғиботи билан боғлиқ машғулотларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимига қарашли расм чизиб ва бошқа ижодий машғулотлар ўтказиш хонасига кирди. Хона деворига беморлар чизган турли расмлар илгирин. Картиналар орасида тушунарсиз, тушқун, ҳаётдаги манзараларга ўхшамайдиган ижодий ишлар эътиборимизни тортиди. ...Коронгу хона. Хонтахта устида яримлаб қолган шам юмалаб ётибди. Шамки, йнқилиш асносида оло-

"101"

БЕПАРВОЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизлиқнинг ажралмас бир қисмидир. Бу эса ҳаммаша ва ҳамма ерда масъулиятли бўлишни талаб этади.

Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёнғ ачинарлиси эса – ўт балoси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам заволи топиши мумкин. Ёнғиларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лoзим. Зеро, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари қўпгина аҳоли турар жойларида учрайди. Аксарият ҳолларда бу каби арзимас тўйилган хавфсизлик қоидаларини билсакда, аммо эътибор қилмаймиз. Айримлар ҳатто қўра-била туриб қоидаларни бузишди, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек қарашди. Оқибатда эса ёнғин содир бўлиб, катта зарар келтирилиши мумкин. Шундай экан, уй, ишхона, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Даврон Юлдашев,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 33-ҲЕХК бошлиғи, майор

Реклама ва эълонлар

Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасида 2017 йил 23 июнь соат 10:00да шифокорлар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилади.

Ярмарканинг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 305-уй манзилида ўтказилишини маълум қиламиз ва унга қизиқиш билдирган соҳа ходимларини таклиф этамиз.

Мирзо Улуғбек туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танлов 2017 йилнинг 20 июль кўни соат 10.00да Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 27а-уй, 1-хона (Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан m-uluqbek@tbtb.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 230-40-82, 263-10-05 телефонлари ҳамда mirzo_uluqbek_tbtb@xtv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилган Мирзо Улуғбек тумани таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	18-мактаб	Асака кўчаси, 5-уй
2	27-мактаб	Дўрмон йўли кўчаси, 24-уй
3	35-мактаб	ТТЗ-4 даҳаси
4	49-мактаб	Бўз-2 мавзеси
5	50-мактаб	Хоразм кўчаси, 8-уй
6	54-мактаб	Улуғбек шаҳарчаси, Ломоносов кўчаси, 1-уй
7	64-мактаб	Содиқ Азимов кўчаси, 35-а уй
8	71-мактаб	Буюк ипак йўли кўчаси, 48-уй
9	112-мактаб	Ангрэн кўчаси, 54-уй
10	120-мактаб	Аҳмад Юнакий мавзеси, инд:100201
11	121-мактаб	Корасув-4 мавзеси
12	142-мактаб	Оққўрғон кўчаси, 19-уй,
13	148-мактаб	Паркент кўчаси, 271-уй, инд: 10007
14	187-мактаб	Яланғоч мавзеси
15	205-мактаб	Феруза кўчаси, 31-уй
16	207-мактаб	Буюк ипак йўли кўчаси, 388-уй
17	208-мактаб	Корасув-2 мавзеси
18	209-мактаб	Корасув-1 мавзеси
19	210-мактаб	ТТЗ-1 мавзеси
20	211-мактаб	Гулсанам кўчаси,1-уй
21	221-мактаб	Феруза мавзеси
22	222-мактаб	Корасув-6 мавзеси Авайхон кўчаси, 15-уй
23	223-мактаб	Феруза мавзеси
24	225-мактаб	Қаландар кўчаси, 5-уй
25	241-мактаб	Салом кўчаси, 1-уй, инд:100077
26	248-мактаб	ТТЗ-2 мавзеси, 142-уй
27	256-мактаб	Аҳмад Юнакий мавзеси
28	275-мактаб	Корасув-6 мавзеси
29	279-мактаб	Хумоюн мавзеси, 17-уй
30	286-мактаб	Улуғбек шаҳарчаси
31	308-мактаб	Корасув-1 мавзеси

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 22 июнь кўни ҳаво ўзгариш туради, ёлғинарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 38-

40 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 22 июль эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг алектрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г. 635

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари қиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ